100 китоб тўплами

ОЛХЎРИ ЕТИШТИРИШ

54-китоб

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз,
соҳада ривожланиш бўлмайди.
Ш. МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли деҳқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

«Агробанк» АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳанинг етук мутахассислари, олимлари билан ҳамкорликда фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда такрорий экиш муддатида етиштириш, иссиқхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, ғаллачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажакда тажрибали деҳқон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштирамиз.

Умид қиламизки, ушбу қўлланмалар тўплами Сиз – деҳқонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдали бўлади.

Ҳосилингиз мўл-кўл, даромадингиз баракали бўлсин!

Рустам МАМАТҚУЛОВ,
“Агробанк” АТБ бошқарув раиси

УЎК 634.222
КБК 42.356
О 52

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: “Агробанк” АТБ

Тузувчи:

И.Ч. Намозов – Тошкент давлат аграр университети Мевачилик ва узумчилик кафедраси қ.х.ф.ф.д. доцент.

И.Т. Нормуратов – Тошкент давлат аграр университети Мевачилик ва узумчилик кафедраси мудири қ.х.ф.д. профессор.

Тақризчилар:

А.С. Рустамов – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бўлим бошлиғи, қ.х.ф.н. катта илмий ходим.

Х.А. Бобоева – Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти қ.х.ф.ф.д.

Лойиҳа иштирокчилари: У. Ф. Файзуллаев, М. С. Ҳайитбоев

Муҳаррир: Т. Долиев – “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали бош муҳаррири.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигида тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ туҳфасидир

© “Агробанк” АТБ – 2021
© Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021
© “Colorpack” МЧЖ – 2021

ISBN 978-9943-7171-0-7

МУНДАРИЖА

Кириш.....7
Олхўрининг фойдали хусусиятлари.....9
Олхўрининг морфо-биологик хусусиятлари.....10
Олхўри навларининг тавсифи.....16
Олхўри боғини барпо этиш.....21
Ўғитлаш.....32
Суғориш.....35
Олхўри дарахтларига шакл бериш ва кесиш.....43
Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш.....48
Олхўри мевасини териб олиш ва сақлаш.....58
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....62

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжаллаган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорларида янги мевали боғларни ташкил этиш ва эскиларини реконцтрукция қилиш вазифалари алоҳида белгилаб берилган.

Олхўри дарахтлари деярли Ўзбекистоннинг барча ҳудудларига яхши мослаша оладиган мевали дарахтлардан бири ҳисобланади. Уларни ўстириш жуда осон. Олхўри учун ишлатиладиган пайвандтаглар турли тупроқ шароитларига чидамли ҳисобланади. Уларнинг нисбатан кеч гуллаши баҳорнинг қировли кунларидан сақланишга ёрдам беради ва шу билан бирга уларда турли зараркунанда ҳашаротлар муаммолари кам учрайди.

Олхўри кўчатлари нисбатан кенгроқ масофада экилиши лозим. Яхши ҳосил тугиши учун деярли аксарият олхўри дарахтлари чанглатилишни талаб этади. Бу масалани ҳал қилиш учун олхўри дарахтлари чанглатувчиси билан экилиши тавсия қилинади.

Ушбу қўлланмада олхўри етиштириш ва дарахтларни парваришлаш технологияси ҳақида маълумотлар берилган.

ОЛХЎРИНИНГ ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Олхўри навлари турли-туман бўлганлиги учун, энг кўп тарқалган мева тури ҳисобланади. Ўзбекистонда етиштириладиган олхўри меваси таркибида 14-21% гача шакар, 0,15-1,35% гача турли кислоталар, 0,15-1,5% гача ошловчи моддалар ва С витамини бор. Олхўри меваси янгилигида ва қайта ишланган ҳолда истеъмол қилинади. Ундан қоқи, компот, мураббо, повидло, пастила, мармелад, шарбат ва бошқалар тайёрланади. Янги узилган олхўри мевасидан ва қоқисидан табобатда цинга касаллигига қарши восита сифатида фойдаланилади. Олхўри меваларининг таркибида витаминлар ва минераллар кўплиги жиҳатидан бошқа меваларга нисбатан етакчи ўринларда туради. Мева шарбати калийга бойлиги боис, танадаги шишларни қайтаради. Мева шарбати яна бета-каротин ва А витаминига жуда бой. Яна унинг таркибида С, Е, РР, В гуруҳига мансуб витаминлар, шунингдек, макроэлементлар – темир, рух, йод, марганец, хром, фтор, кремний, кобальт, никель мавжуд. 100 г олхўри шарбати 770 ккал. га эга. Шунингдек, унда енгил ҳазм бўладиган қанд, органик кислота, дағал толали тўқима (клетчатка), фойдали углеводлар, ўсимлик оқсили ва кам миқдорда ёғ учрайди. Олхўри шарбати пешоб ҳайдовчи бўлгани учун гипертонияда, сафро ҳайдовчи сифатида ўт қопи касалликларида ичиш яхши самара беради. Олхўри шарбати организмдаги ортиқча холестеринни ичакдан қонга сўрилишига йўл қўймайди. Уни ташқарига чиқариб юборади. Семизликни олдини олишда фойдаси бор. Юқори қон босими, буйрак касалликларида истеъмол қилинса,

организмдаги ортиқча туз ва ёғларни эритиб юборади, шишларни қайтаради. Олхўри шарбати (айниқса, унинг тўқ ранглиси) таркибида фитонцид кўплиги сабабли меъда-ичак йўллари ва оғиз бўшлиғини инфекциядан тозалайди. Олхўри қоқи – ошқозон-ичак йўли фаолиятини яхшилашда ажойиб воситадир, у қабзиятдан халос қилади ва овқат ҳазм қилиш жараёнини тартибга солади. Шунингдек, гипертониядан азият чекадиган, юрак ва жигар билан боғлиқ муаммолари бўлган инсонлар учун ҳам фойдалидир. У ревматизм касаллигида ҳам катта фойда беради, таркибидаги А витамини эса кўриш қобилиятини яхшилайди.

ОЛХЎРИНИНГ МОРФО-БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Олхўри (Prunus mill) туркумига 34 та тур киради. Дунё бўйича унинг 3 та асосий: Шарқий Осиё, Европа-Осиё ва Шимолий Америка маркази бор. Европа-Осиё гуруҳига мансуб олхўридан олча мевали тоғ олча, тиканли олча, хонаки олхўри; Шарқий Осиё гуруҳидан уссури ва тол баргли хитой олхўриси, айниқса аҳамиятлидир.

Олхўри дарахти унчалик баланд эмас, 3-4 метргача етади, бир тупидан 100 кг ва ундан ҳам ортиқ ҳосил олинади. Хонаки олхўри шафтоли, ўрик ва гилосга қараганда совуққа анча чидамли.

Олхўри совуққа чидамли, тез ҳосилга киради, кеч гуллайди, шу туфайли ҳар йили ҳосил беради; бу унинг қимматли биологик хусусиятидир. Унинг эртаги навлари июнда, кечки навлари сентябрда пиша бошлайди. Олхўрининг тегишли

навларини танлаб экиб, аҳолини ҳўл мева билан, мевани қайта ишлаш саноатини хом ашё билан тўрт ой мобайнида мунтазам таъминлаб туриш мумкин. Баъзи кечки навлар (Қора олу) кеч кузгача яхши сақланади. Текислик ва соҳил атрофи зоналарида ўрикнинг гул ва тугунларини баҳорги совуқ уриб кетиши натижасида кўпинча ҳосил бермайди, олхўри эса кеч гуллаганлигидан бундай шароитда деярли ҳар йили ҳосил қилади. Республикамизнинг тоғ этаги-тоғли зоналар ҳам олхўри ўстириш учун жуда қулайдир. Олхўри ер ости сувлари 1,5 м дан 4 м гача чуқурликда жойлашган суғориладиган оғир соз, бўз тупроқли ерларда ва дарё соҳилларидаги ўтлоқ тупроқли ерларда ҳам яхши ўсади. Олхўрига тоғолча ёки ўзи (олхўри)нинг уруғ кўчатлари пайвандтаг бўлади. Олхўрини шафтолига ҳам пайванд қилиш мумкин. Шунда у барвақт ҳосилга киради, шох-шаббаси унчалик катта бўлиб ўсмайди, лекин дарахтларининг умри қисқа бўлади. Олхўрининг илдиз системаси тупроққа юза жойлашганлигидан ва сувга талабчанлигидан ўсиш даврида камида 6-8 марта суғориш ва ҳар галги суғоришдан кейин ерни юмшатиш керак. Олхўри кўчатлари доимий боққа экилгандан 3-4 йилдан кейин ҳосилга киради, 7-8 йилдан кейин тўлиқ ҳосил бера бошлайди. Тўлиқ ҳосилга кирган Бертон, Сахарная каби навларининг ҳар тупидан 120-150 кг гача ҳосил олиш мумкин.

1-расм. Олхўрининг морфологик тузилиши

Барг. Янги новдалардаги ёш барглар дастлабки 12-15 кунда ўзининг ривожланиши учун дарахтнинг бошқа қисмларида ишлаб чиқарилган озиқ моддаларни сарфлайди. Кейинчалик баргларнинг маҳсулоти меваларнинг ва ёш новдаларнинг шаклланишига, куртак ҳосил бўлишига ҳамда дарахтнинг захираси учун сарф бўлади.

Барг сатҳи қанчалик яхши бўлса, меваларнинг ўсиши учун шароит ҳам шунча яхши бўлади. Ўсувчи мева ҳисобига барг қанча кўп тўғри келса, у шунча яхши ривожланади. Баргда фотосинтез жараёни қуёш нури, сув ва карбонат ангидрид иштирокида амалга ошади. Булардан бирининг жараёнда қатнашмаслиги фотосинтез рўй бермаслигини билдиради. Агар сув чекланган бўлса, карбонат ангидрид гази баргларга кира олмайди ва реакция амалга ошмайди. Қуёш қанчалик кучли қиздирмасин (яъни, қуёш нури кўп бўлишидан қатъий назар) фотосинтез юз бермайди. Худди шунингдек, сув ва карбонат ангидрид етарлича миқдорда бўлишига қарамасдан куннинг булутли бўлиши, дарахтга бошқа нарсалар соя ташлаши ёки дарахт ички қисми юқори

зичлик таъсирида қоронғи бўлиши натижасида фотосинтез жараёни тўла куч билан амалга ошмайди.

Дарахт оладиган ёруғлик миқдори тўла қуёш нурининг 70–80 фоизидан пастга тушиб кетиши олма меваси ранги ва таркибидаги эрувчан моддаларга путур етказади. Ёруғлик кўрсаткичи тўла қуёш нурининг 25–40 фоизидан кам бўлганда фотосинтез, гул шаклланиши ва мева ривожи яхши амалга ошмайди.

Соя туфайли ёруғликнинг кам тушиши ёки ҳароратнинг юқори бўлиши натижасида фотосинтез жараёнининг сустлашиши ўсиш учун керак бўлган углеводлар ишлаб чиқарилиши ёки илдиз орқали муҳим озуқавий элементлар сўрилишига салбий таъсир кўрсатади.



2-расм. Баргда содир бўладиган фотосинтез жараёни

Илдиз. Илдиз ривожи тупроқ ҳарорати 15–25°С даража бўлганда ва илдизларга сув таъминоти узилмаганда энг фаол бўлади. Илдизлар бир мавсумда икки марта ўсиш даврини бошдан кечиради: биринчи бор эрта баҳорда ва иккинчи марта кузда, ҳосил йиғими вақтида ёки ундан кейин. Илдизнинг баҳорги ривожи куртаклар ёрилиб, тупроқ

ўсиш учун етарлича илиши билан бошланади. Новдалар фаол ўсиш жараёнига киришгач, илдиз ривожланиши сустлашади. Ёз охирларига келиб шохлар ривожланишдан тўхтаган ва мева ривожи секинлашган даврда илдиз ривожи яна қайтадан авж олади. Илдизларнинг мана шу кузги ривож даври кейинги йил захираси учун дарахтларни ўғитлашга энг қулай фурсат ҳисобланади.

Ривожланиш бошлангандан сўнг 30–60 кун ўтгач, илдизларнинг оқ ранги жигарранг тус ола бошлайди. Илдизнинг 25–50 фоизга яқин қисми ҳар йили янгиланиб туради. Пўстлоқнинг флоэма қатламида юқоридан пастга ва пастдан юқорига сув ва углеводлар оқади. Ксилема қатламида эса, фақат юқорига сув ва тупроқдан олинган минерал озуқалар ҳаракатланади. Илдизлар углеводларни барглардан олса, барглар эса сув ва озуқаларни тупроқдан илдиз орқали сўриб олади.



3-расм. Олхўри дарахтида илдизларнинг ривожланиб ўсиши учун энг қулай тупроқ муҳити тасвирланган

Илдизлар, одатда, тупроқ остида 25–50 см чуқурликдаги масофада жойлашган бўлади. Тошлоқ жойларда эса илдизлар бир неча метр чуқурликда ривожланади. Илдизнинг қандай чуқурликда шаклланиши тупроқ таркибидаги кислород

ва намликка боғлиқ. Зичлиги юқори, газ алмашинуви суст тупроқ шароитида илдизлар кислород миқдори кўпроқ бўлган тупроқ сатҳига яқин жойда ривожланади. Зичлиги паст тупроқларда эса илдизлар чуқурроқ жойлашади. Баъзи пайвандтаглар (айниқса, пакана пайвандтаглар) «йўғон» илдизларга эга бўлиб, улар дарахтга доимий сув сўрилишида муҳим аҳамиятга эга. Бундай пайвандтаглар доимий сув ичиб тургани учун қурғоқчиликка чидамсиз деб ҳисобланиши нотўғри, аслида бу уларнинг сувсизликка таъсирчан эканликларидан эмас, балки ердан сув сўриб олиш самарадорлиги юқори эканлигидандир (илдизлар оз ҳажмли тупроқда ўсганлиги сабабли у ердаги сув тез тугаб қолади). Баъзан, дарахт қаторлари ости қуруқ, аммо қаторлар орасидаги техника воситалар йўлаги остида намлик бўлиши мумкин. Сўриш самарадорлиги юқори пайвандтаглар шундай намликни ҳам ўзлаштириш хусусиятига эга.

Гули. Гулларининг диаметри 1,5-2 см, тўғри, йирик, якка ёки 2-5 тадан (кўпинча жуфт) тўпгул соябонларда 2-3 йиллик шохларда жойлашади, тожбарглари оқиш яшил ёки пуштисимон. Тожбарглари ва косабарглари 5 тадан, чангчилари 25-30, уруғчиси битта, устки тугунчали, тожбарглар ва чангчилар эгилган гулёнлиги четларига ёпишган, уларнинг тубида эркин тугунча ва нектардонлар жойлашади. Олхўри асаларилар ёрдамида чангланади. Дарахтларининг асал маҳсулдорлиги 20-40 кг/га га етади. Олхўри навлари ўзидан чангланувчи, қисман ўзидан чангланувчи ва ўзига бепушт бўлиши мумкин.

Гуллаши олхўри ҳаётининг 4-6 йилидан бошлаб гуллайди. Гуллари апрель-майда, одатда барглардан илгари ёки улар билан бир вақтда ёзилади. Аввал тумшуқча, сўнгра

эса чангдонлар ривожланади. Об-ҳаво ноқулай келганда ўзидан чангланиши мумкин. Алоҳида гуллари 5, бутун дарахт 10 кун давомида гуллайди.

4-расм. Олхўрининг ғунчаси, гуллари ва мевасининг кўриниши

ОЛХЎРИ НАВЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

Бертон нави – АҚШда яратилган. Республика бўйича Давлат реестрига киритилган. Нав кечпишар, сентябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Дарахтининг бўйи унча катта эмас – 3,8 м, шох-шаббаси кенг пирамидасимон. Нав экилгандан сўнг олтинчи йили ҳосил бера бошлайди. Меваси тухумсимон, тўқ кўк, йирик, ўртача вазни – 52 г бўлиб, эти оқ

сариқ, сершира, сал тола-тола, хушбўй ҳиди бор. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл.

Венгерка домашняя нави – Нав қаерда яратилгани номаълум. Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган. Нав кечки, меваси сентябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Дарахтнинг бўйи баланд, экилгандан кейин бешинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 170,0 ц/га ни ташкил этади. Меваси тухумсимон, тўқ кўк, мум ғуборли, ўртача вазни – 43 г. Эти тўқ сариқ, сершира, жуда мазали. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл.

Венгерка фиолетовая нави – Ғарбий Европада яратилган. Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Хоразм, Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, августнинг иккинчи ўн кунлигида етилади. Олхўри дарахтининг бўйи баланд – 4,9 м бўлиб, шох-шаббаси думалоқ, тарқоқ, дарахти экилгандан сўнг бешинчи йилда ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 319,5 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 410,7 ц/га ни ташкил этади. Меваси венгеркаларга хос шаклли, тўқ кўк, қалин мумсимон ғубор билан қопланган, меваси йирик, вазни – 4,6 г. Эти тўқ сариқ, сершира, жуда ҳам этли, ширин мазали, хушбўй. Данаги этидан

яхши ажралади, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,6 балл.

Вашингтон нави – АҚШда яратилган. Самарқанд вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган. Нав эртапишар, меваси июлнинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Дарахтнинг бўйи баланд – 5,1 м, шох-шаббаси думалоқ шаклли, олхўри кўчати экилгандан сўнг олтинчи йили ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги – 165,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 331,7 ц/га ни ташкил этади. Мевасининг ранги тўқ қизил, йирик, вазни – 34 г. Эти оқ сариқ, сершира, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.

Исполинская нави – АҚШда яратилган. Республика бўйича Давлат реестрига киритилган. Нав кечпишар, меваси августнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Дарахтнинг бўйи баланд – 5,2 м бўлиб, шох-шаббаси тухумсимон, қалин. Кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги – 95,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 140,0 ц/га ни ташкил этади. Меваси тухумсимон, ранги тўқ қизил бўлиб, мумсимон ғубори бор, меваси йирик, ўртача вазни – 44 г. Эти сариқ, ўртача сершира, мазаси нордон-ширин.

Данаги этидан яхши ажралади. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,7 балл.

Супериор нави – Нав Америкадан келтирилган бўлиб, экилгандан сўнг 2-3 йили ҳосил бера бошлайди. Мунтазам ва мўл ҳосил бериши билан ажралиб туради. Мевалари йирик, 55-65 г атрофида, пўстининг асосий ранги тўқ сариқ, қопловчи ранги тўқ қизил, пўстининг юзасини тиғиз мум ғубори қоплаб олади. Мева эти кремсимон-сариқ, майин толали. Данаги этидан яхши ажралади. Нав ўзини ўзи чанглай олмайди, шу боис унга хитой олхўриси навлари ёки тоғолча қўшиб экилади. Ҳосилдорлиги – 210-220 ц/га ни ташкил этади. Ҳосили июль ойининг иккинчи ярмида пишиб етилади.

Чернослив Самарқандский нави – Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. Республика бўйича Давлат реестрига киритилган. Нав кечпишар бўлиб, сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида етилади. Бир дарахтдан олинган ўртача ҳосил – 95 кг ни ташкил этади. Дарахтнинг бўйи баланд, кичик ёшида пирамидасимон, катта ёшида тарқоқ. Дарахти экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради, меваси йирик, ўртача вазни – 43 г. Эти тўқ сариқ, ўртача сершира, мазаси

нордон-ширин, данаги этидан яхши ажралади, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,7 балл.

Ярхи нави – Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида яратилган. 2003 йилдан Тошкент вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган.

Кеч ёзда пишади, меваси август ойида етилади. Дарахтининг бўйи ўртача 4,8 м бўлиб, шох-шаббаси ўртача, пирамидасимон шаклда, барги ўртача тухумсимон, ранги тўқ яшил, силлиқ. Олхўри кўчати экилгандан сўнг ҳосилга бешинчи йили киради. Ҳосилдорлиги – 169 ц/га ни ташкил этади. Меваси йирик, ноксимон, силлиқ, ранги тилласимон сарғиш, мевасининг ўртача вазни 145-185 г. Эти оқ сарғиш, сersув, меваси ширин, хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,8 балл. Таркибида қуруқ модда – 18,8%, қанд миқдори – 10,2% ва Витамин С (аскорбин кислотаси) – 2,7% дан иборат.

Президент нави – аъло сифатли, йирик мевали, хўраки. Қуритиладиган олхўри нави. Дарахтлари кучли ўсади. Зараркунанда ва касалликлардан шикастланмайди, тўрт ёшида ҳосил бера бошлайди. Ҳар йили ҳосил олинади. 10 ёшли бир туп дарахтидан 50-70 кг гача ҳосил олиш мумкин. Меваси йирик (60 г), 10-15 сентябрда пишади, тўқ зангори, тухумсимон, эти сариқ, тиғиз, серэт, нордон, данаги ўртача йирик, этидан осон ажралади.

Қора олу нави – жайдари олхўри нави, дарахтлари катта. Совуққа, касалликларга, қурғоқчиликка ва зараркунандаларга

чидамли, 3-4 ёшида ҳосилга киради. Серҳосил, меваси ўртача йирик, юмалоқ-овал шаклда, тўқ бинафша рангда, сентябрь ойининг ўрталарида пишади. Эти тиғиз, сершув, яшил сарғиш. Мазаси ширин-нордон. Сақлашга ва ташишга чидамли. Мевасидан компот, мураббо тайёрланади ва қоқи қилинади.

Кўксултон нави – эрта пишар жайдари олхўри нави бўлиб, меваси ўртача йирик, июнь ойининг бошида пиша бошлайди. Эти хира сариқ, нордон-чучук, ўртача ширин. Асосан янгилигича истеъмол қилинади ҳамда компот ва мураббо тайёрланади. Дарахтлари баланд бўлади, ҳар йили ҳосил олинади.

ОЛХЎРИ БОҒИНИ БАРПО ЭТИШ

Боғ барпо этиш учун жой танлаш. Кўчатлар жадал ўсиб, ҳосилга кириши уларнинг сифатига, ер яхши тайёрланишига ва кўчат ўтқазиш усулларининг тўғри қўлланилишига боғлиқ. Шунинг учун ерни кўчат экишга сифатли тайёрлаш, мева навларини тўғри схемада жойлаштириш, келгусида уларни совуқ ва иссиқ шамолдан сақлашда боғ атрофида иҳота дарахтзорлар барпо қилишга катта аҳамият бериш зарур. Боғ барпо этиладиган ерлар унумдор, сув билан яхши таъминланган бўлиши керак.

Олхўрининг илдизи ер юзасига яқин жойлашади. Шунинг учун олхўри экиладиган ерлар сув билан яхши таъминланган ва унумдор бўлиши керак. Сизот сувлар сатҳи 1,5-2 м дан паст бўлган ерларда олхўри яхши ўсади ва мўл ҳосил беради.

Ўзбекистонда учрайдиган тупроқларнинг кўпчилиги боғ барпо қилиш учун яроқли ҳисобланади. Фақат, ботқоқ ва шўрхок тупроқларни мелиоратив ҳолатини яхшилаб, яъни кўп харажатлар қилиб, боғ барпо қилиш мумкин.



5-расм. Совуқ ҳаво тўпланадиган жой

Кўпчилик мева экинлари турлари ҳайдалма қавати ўртача ва енгил қумоқ тупроқ бўлган маданийлашган бўз тупроқларда энг яхши ҳосил беради. Боғ барпо қилишда дарахтлар яхши ўсиши ва мўл ҳосил бериши учун озиқ моддаларга бой, чуқур бўз тупроқли, ўтлоқ, шўрланмаган ерларни танлаш мақсадга мувофиқдир. Ер танлашда дарахтлар қишки ва баҳорги совуқлардан зарарланишини олдини олиш учун совуқ ҳаво тўпланиб қолиши мумкин бўлган ерларда боғ ташкил этиш тавсия этилмайди.

Ерни кўчат ўтқазишга тайёрлаш. Боққа ўтқазилган кўчатларнинг тутиши, ёш дарахтларнинг ўсиши, ҳосилга кириш вақти, ҳосилдорлиги, узоқ яшаши муҳит шароитига боғлиқ бўлади. Боғ барпо қилишдан олдин ер кўчат ўтқазишга сифатли тайёрлангандагина ўсимликлар соғлом ва бақувват ривожланиши мумкин. Ерни экишга тайёрлаш уни текислаш, ҳайдаш, ўғитлаш ва бошқалардан иборат. Боғ барпо қилишдан олдин экилган экинларнинг ҳам аҳамияти катта.

6-расм. Боғ учун ер тайёрлаш

Олхўри боғлари ташкил этиладиган майдонлар суғорилгандан кейин плантажли плугда ағдариб ҳайдалади. Ҳайдаш олдидан гектарига 30-40 т гўнг, 120-150 кг ҳисобида фосфорли ўғит солинади. Агарда, беда экилган ер бўлса, бедапояларни ҳайдаб юборишдан олдин ерга фақат фосфорли ўғитлар солинади.

Плантажли плуг билан бутун йил давомида ҳайдаш мумкин, аммо бу иш кўчат ўтқазишга камида 1,5-2 ой, яхшиси 3-4 ой қолганда тамомланиши керак. Чунки, юмшатилган тупроқ ўтириши, унинг капиллярлиги тикланиши лозим. Тупроғи ўтиришмаган жойга кўчат ўтқазилса биринчи марта сув берилгандан кейин тупроқ чўкиб, уларнинг илдизи очилиб қолади. Боғ барпо қилинадиган майдон кузда ҳайдаб қўйилади, баҳорда эса дискланади ёки боронланади. Плантаж плуглар етишмаганда 25-30 см чуқурликда ҳайдай оладиган оддий плуглардан ҳам фойдаланиш мумкин. Кучсиз ва кам ишланган ерларга боғ барпо қилишдан 1-2 йил олдин дуккакли экинлар, картошка, сабзавот ва сидератлар экиш яхши самара беради. Шўр ерларда эса ҳайдашдан ва кўчат ўтқазишдан олдин тупроқ шўри ювилади. Олхўри боғларни 2-3 йил бедазор бўлган ерларда ташкил қилиш жудаям яхши самара беради.

Боғ майдонини ташкил қилиш. Боғлар бир-биридан узоқлашиб кетмаслиги ва имкон борича уларни бир ҳудудда барпо қилиш учун хўжаликлар боғ барпо қилиш режасини 3-5 йил олдин тузиш, ер майдонларини ажратиб, ҳар йили уларнинг бир қисмига мева дарахтлари экиш. Ихтисослаштирилмаган хўжаликларда боғлар майдони нисбатан кичикроқ бўлиб одатда 5-10 гектардан кам бўлмаслиги, ихтисослаштирилган боғдорчилик хўжаликларида мева боғлар ўртача 20 гектарга, умумий ер майдони эса 50-100 гектарга яқин бўлиши керак.



7-расм. Мевали боғда майдон ва кварталларининг жойлашиш тартиби

Боғ учун майдон ажратилгандан кейин унинг майдони режалаштирилади: боғ ҳудуди белгиланади, уй жой ва ишлаб чиқариш бинолари (навларга ажратилиб, идишлар жойланадиган бинолар, омборлар ва ҳоказо) қуриш аниқланади, ариқ ва зовурлар, йўллар, иҳота дарахтлар лойиҳаси тузилади ва экилади. Майдон кварталларга бўлинади, дарахтларни жойлаштириш харитаси тузилади, тур ва навларни жойлаштириш, чангловчи кўчатлар ўтқазиш белгиланади, кўчатларни ўтқазиш схемаси ва қалинлиги аниқланади.

Барча ишларни қулайлаштириш учун ихтисослашган хўжаликларда катта майдонлар 25-30 гектарга, кичикроқ боғларда эса 10-15 гектарли кварталларга ажратилади. Кварталларнинг чегаралари магистрал йўллар, каналлар, иҳота дарахтзорларга тўғриланади. Боғлар шаклига кўра, ҳар хил шаклларда бўлиши мумкин. Лекин, тупроққа ишлов беришни механизациялаштириш учун боғ майдони тўғри тўртбурчак шаклида бўлгани маъқулдир. Одатда, ҳар кварталда 2-3 муддатда пишадиган бир хил мева нави ўтқазилади. Кварталлар эни 10-12 м ли йўллар билан бир-биридан ажратилади, улар магистрал йўл билан боғланган бўлади. Кварталлар ичидаги йўлларнинг эни 8-10 м бўлади. Бундан ташқари боғ атрофида, иҳота дарахтзорларнинг ички томони бўйлаб, баъзан йирик суғориш каналларига, идишлар қўйиладиган бинолар ва бошқа хўжалик бинолари атрофига ҳам йўллар қурилади.

Чангловчи навларни танлаш ва жойлаштириш. Мева дарахтларнинг кўпчилик навлари ўз-ўзидан ҳосил бермайди. Балки бошқа навлар билан чангланишини талаб қилади. Ўз-ўзидан чангланадиган навлар ҳам четдан чангланган тақдирда мўл ва сифатли ҳосил беради.



8- расм. Мева боғларида тур ва навларни жойлаштириш тартиби (асосий ўсимлик ва икки қатор чанглатувчи ўсимлик)

Гулларнинг тўла чангланиши учун ҳар 10-12 асосий қатордан кейин бир-икки қаторга бир-иккита чангловчи нав экилади. Олхўри – чанглатувчини талаб қиладиган мевадир. Чангланиш муаммоси бўлган мева турларидан боғ барпо этилиши керак бўлса, боғда икки ёки ундан ортиқ чанглатувчи тур бўлиши керак.

Чанглатувчи навларни танлашда эътиборга олинадиган хусусиятлар қуйидагилар:

а) асосий нав ва чанглатувчи навнинг гуллаш вақти мос келиши керак;

б) чанглатувчи навнинг гул чангчилари кўп ва ҳаракатчан бўлиши керак;

в) чанглатувчи навнинг товарбоплик қиймати ҳам юқори бўлиши керак;

г) чанглатувчи нав солкашлик хусусиятига эга бўлмаслиги керак;

д) чанглатувчи нав ва асосий навнинг чангланиш вақти бир-бирига яқин бўлиши керак;

е) боғда чангланиш жараёнини яхшилаш учун арилар бўлиши керак.

9- расм. Олхўри боғларини чангланишида арилардан фойдаланиш

Кўчатларни экиш қалинлиги ва схемалари. Олхўри кўчатлари шундай қалинликда ўтқазилиши керакки, бунда уларнинг юқори даражада ҳосил бериши, меваларнинг сифати яхши бўлиши, шунингдек шамолга, гармселга ва совуқ ҳамда қора совуқларга чидамли бўлиши, тупроқни ишлаш ва дарахтларни парвариш қилиш ишларини механизациялаштириш имконини бериши лозим.

Кўчат ўтқазишда дарахтларнинг ўсиши мумкин бўлган энг катта шохларнинг кенглиги, қуёшдан фойдаланиш даражаси, қуруқ минтақалар ва нам минтақалар учун ҳавонинг намлигини ушлаб туриш, намликнинг тўпланишига тўсқинлик қиладиган оралиқлар ва масофалар ҳисобга олиниши керак. Тупроқнинг хусусиятлари инобатга олиниб, унумдор тупроқларда зичроқ, унумсиз ва қуруқ тупроқларда сийракроқ экиш керак, бу эса илдизнинг ривожланиши ва озиқланиш майдонини мева турлари ва навларига берилиши мумкин бўлган қатор ва туплар орасини ҳисобга олиш лозим.

1-жадвал

Олхўри кўчатларини жойлаштириш схемаси (м, ҳисобида)

Мева дарахтларининг тури	Суғориладиган бўз тупроқли ерлар		Шағал, қум тупроқли ерларда		Тоғли зонада	
	қаторлар ораси	туплар ораси	қаторлар ораси	туплар ораси	қаторлар ораси	туплар ораси
Олхўри	6	5	5	4	6	4

10-расм. Ҳосилли олхўри боғи

Боғда мева дарахтларини жойлаштириш усули. Мева дарахтларини боғда жойлаштиришда уларнинг ўсиши ва ҳосил беришга зарар етказмаган ҳолда ўсимликларнинг озуқланиш майдонидан имкон борича тўлароқ фойдаланиш кўзда тутилади. Бунда боғ ерига ишлов бериш ва дарахтларни парвариш қилиш ишларини механизациялашни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Текисликларда мева дарахтлари квадрат, тўғри бурчакли тўртбурчак ва шахмат усулида жойлаштирилади.

Квадрат усули жуда кўп қўлланилади. Бунда қатор ораси ва қаторлардаги туплар ораси тенг бўлади; бир-бирига яқин турган туплар шохлаш имкониятига эга бўлади ва уларда машиналарнинг бурилиши осон бўлади ҳамда боғ қатор ораларини ишлашда механизмлардан фойдаланиш имконияти туғилади.



11-расм. Квадрат усули

Тўғри бурчакли тўртбурчак усулида қаторлар ораси қаторлардаги дарахтлар орасига нисбатан бирмунча (2-3 м) кенгроқ қолдирилади. Оқибатда 1 гектар ерга квадрат усулидагига қараганда кўпроқ дарахт ўтқазилади. Қаторларда дарахтларнинг шох-шаббаси бир-бирига тезроқ туташиб кетади, юқорига томон чўзилиб кетмайди ва бир-бирини сиқиб қўймайди.



12-расм. Тўғри бурчакли тўртбурчак усули

Шох-шабба кенгайтирилган қатор оралари томон ўсади. Бу усул мева дарахтларни қалин ва сийрак ўтқазишдаги афзалликларни ўз ичига олади. Қатор ораларининг кенглиги

ерга ишлов бериш ва дарахтларни парваришлаш ишларини механизация ёрдамида бажариш имконини беради. Бундан ташқари бу усулда экилган боғлардан бошқа усуллардагига қараганда бирмунча юқори ҳосил олинади.

Кўчатни экишга тайёрлаш ва экиш. Боғ барпо қилишда фақат стандарт талабларга жавоб берадиган соғлом кўчатларнигина экишга рухсат этилади. Касалланган, шикастланган ва стандарт талабларига жавоб бермайдиган кўчатлар яроқсиз ҳисобланади.

Ўтқазиладиган жойга келтирилган кўчатларнинг илдизларини вақтинча бўлса ҳам очиқ қолдириш мумкин эмас. Уларни дарҳол тупроққа кўмиш керак. Агар ўсимликнинг нами қочиб қолган бўлса, ҳужайраларни нормал ҳолга келтириш учун 1-2 кун сувга солиб қўйилади. Ўтқазиш олдидан кўчатларнинг илдизи тупроққа мол гўнги аралаштириб тайёрланган аталага ботириб олинади. Бу илдизларни қуриб қолишдан сақлайди. Бунинг учун ариқ ёнига чуқур қазилади ва унда «атала» тайёрланади. «Атала»га ботирилган кўчатлар экила бошланади.

Кўчат экиш тартиби. Кўчат ўтқазиш олдиндан чуқурга тупроқ ташланиб дўнгча ҳосил қилинади. Кўчат ўтқазиш тахтасини назорат қозиқларга киритилади, тахтанинг ўртасидаги ўйиққа кўчат қўйилади.

Тажрибали ишчилар текис жойларда кўчат ўтқазиш техникасидан фойданланмайдилар, балки боғни режалашдаги сингари кўз билан чамалаб ўтқазадилар. Кўчатни икки ишчи ўтқазади. Бири кўчатни олиб, илдизларни тупроқ уюми устига тараб қўяди. Иккинчи ишчи чуқур атрофига бир текис қилиб юмшоқ тупроқ ташлайди, тупроқ илдизларига зич ёпишиб туриши учун уни босиб қўяди.





13-расм. Кўчат экиш тартиби

Янги ўтқазилган кўчатлар тупроқнинг намлиги, ўтқазиш муддатидан (куз, баҳор) қатъий назар суғориб турилади. Уларни суғоришдан мақсад тупроқ ўсимлик илдизларига бевосита ёпишиб қолиши, моғорлар пайдо қиладиган ортиқча ҳавони тупроқдан чиқариб юборишдан иборатдир. Агар кузда экилса, уларнинг илдиз–томир қисми тупроқ билан яхшилаб беркитилиши керак. Кузда экиш дарахтларни баҳорда эрта илдиз чиқариб, яхши ривожланишига жуда катта ҳисса қўшади. Кучли ва ҳамма вақт шамол бўлиб турадиган туманларда эркин ўсувчи ярим пакана кўчатлар ўтқазилгандан кейин узунлиги 1,5 метр, йўғонлиги 4–5 см ли қозиқларга бойлаб қўйилади. Қозиқлар икки жойидан саккизсимон қилиб бойланади.



14-расм. Кўчатларни шамол зарарidan сақлаш усули

ЎҒИТЛАШ

Олхўри дарахтларини ўғитлаш мевалар сифатига ҳам таъсир қилади, уларнинг вазни ўртача 15% гача ортади, меваларнинг ранги яхшиланади. Тупроқдаги озиқ-моддаларнинг энг кўп қисмини дарахтлар мева, сўнгра эса барг ҳосил қилишга ва шу йилги новдаларнинг ўсишига сарфлайди. Дарахт қанча қари бўлса, у ердан озиқ моддаларни шунча кўп ўзлаштиради. Йил давомида ўсимлик озиқ моддаларнинг кўп қисмини ўсиш даврининг биринчи ярмида, асосан баҳорда, яъни жадал ўсаётганда ва тугунчалар ривожланаётганда, сўнгра эса ўсув даврининг иккинчи ярмида, шох-шаббалари йўғонлашаётганда, мевалари катталашаётганда муҳим даврлар ҳисобланади.

Ўсиш даврининг охирида, меваларни йиғиб-териб олгандан кейин, совуқ тушгунча ўсимликларнинг озиқ

моддаларга бўлган талаби анча камаяди. Мева дарахтларининг гули, тугунчалари ва барглари таркибида азот, фосфор ҳамда калий энг кўп бўлади, қари ёғочлигида ва йўғон илдизларида уларнинг миқдори камроқ бўлади. Шунинг учун, мевали дарахтлар гул ва тугунчаларини кўп тўкиб юборса, улардаги моддалар камайиб кетади. Олхўридан юқори ҳосил олиш боғларда юқори агротехник тадбирларни қўллаш йўли билан бажарилиши мумкин, бунда ўғитлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳосилли олхўри боғларга 2–3 йилда бир маротаба гўнг (гектарига 20–40 т) ҳар йили минерал ўғит (гектарига соф ҳолда 120 кг азот, 90 кг фосфор, 70 кг калий) солинади. Гўнг бўлмаса ўғитлар миқдори 30–40% кўпайтирилади. Уч йилда бир маротаба фосфор-калий (гектарига Р-180, К-90 кг/га соф ҳолда) ўғити солиниб, ер чуқур (40–45 см) шудгор қилинади. Фосфор, калий ўғитлари ва гўнг кузги шудгор олдидан солинади, азот ўғити дарахт гуллашидан 2–3 ҳафта олдин гектарига 120 кг/га (соф ҳолда) миқдорида 20–25 см чуқурликка солинади. Шағалли тупроқ ерларда ўғитлар миқдори 50% кўпайтирилади, азот уч маротаба – баҳорда, июнь ва июль ойларида солинади.

Йил давомида 800–1000 мм ёғин ёғадиган тоғли ҳудудларида (денгиз сатҳидан 800–1200 м баландликда) ўғитлар қуйидаги тартибда солинади. Кузда (октябрь-ноябрь ойларида) ҳар гектар ерга азотнинг умумий миқдорининг 30–40% аммофос билан сульфат аммоний сифатида, соф ҳолда калий 30–40 кг/га, фосфор 60–70 кг/га органик ўғит билан биргаликда берилади. Азот ўғитининг қолган қисми (60–70%) баҳор ойларида (март-апрель) 10–12 см чуқурликда солинади. Органик минерал ўғитларнинг ушбу муддатларда солиниши уларнинг ёғинлар таъсирида тупроққа тез сингишини таъминлайди.

Ўғитлар ерга РОУ-5, НРУ-0,5, МПВ-1, КСЛ-5, ПТ-4 машиналари ёрдамида солинади. Дарахтлар экилган қумлоқ, бўз ерларга солинадиган минерал ўғитларнинг меъёри қуйидагича: азот 120, фосфор 90, калий 45 кг/га. Азотли ўғитлар икки маротаба – апрель ва июль ойларида тенг миқдорда, фосфор ва калий кузда ва июль ойида тенг иккига бўлиб солинади. Бу ёзнинг иккинчи ярмида ҳосил куртакларининг шаклланишига ҳамда дарахтнинг қишга яхши тайёргарлик кўришига ёрдам беради. Ер ҳайдалган бўлса, ўғит марказдан қочирадиган НРУ-0,5 сочувчи осма механизм билан сепилади. Фосфор ва калий ўғитларини ерга чуқурроқ 20–22 см қилиб солиш учун МПВ-1 машинасидан фойдаланилади. Боғ гўнг шалтоғи, парранда гўнгги билан озиқлантирилса яхши самара беради. Бу ўғитларга 5–6 ҳисса сув қўшиб, бир текисда суюлтириб солинади ёки сув улар солиб қўйилган чуқур орқали оқизилади. Чиринди ва азотга бой тупроқли, оддий шох-шаббали, юмалоқ тупли боғлардаги ерга гектарига 120 кг азот, 90 кг фосфор, 45 кг калий солинади.

15-расм. Ҳосилли боғларни ўғитлаш

СУҒОРИШ

Мева дарахтларининг қанча сув сарфлаши иқлим омиллари, ўсимликларнинг табиати, уларнинг ёши, ҳосилнинг миқдори ва қўлланиладиган агротехнологик тадбирларига қараб белгиланади.

Суғориш боғларни намлик билан таъминлабгина қолмай, балки унинг мироиқлимини ҳам яхшилайди. Суғориш тупроқдаги микробиологик жараёнларнинг кечишига ва солинган ўғитлардан тўлиқроқ фойдаланишга, фотосинтезнинг кучайишига, ўсимликларда озиқ моддалар тўпланишига ва шу туфайли дарахтнинг тезроқ ўсишига, ҳосилдорликни ортишига ва совуққа чидамлилигини оширишга ҳам ёрдам беради.

Шира ҳаракати бошланган даврда ўсимликлар, айниқса намга талабчан бўлади. Новдалар ўсган, барглар кўпайган, мевалар ҳосил бўлган ва катталашган сари талаб ошиб боради. Ўсиш давринининг охирига бориб ўсимликларнинг сувга бўлган талаби камаяди. Боғда тупроқ намлигини кузатиб бориш ва унинг ўсимликлар сўлиб қоладиган даражада қуриб қолишига йўл қўймаслик керак.

2-жадвал

Олхўри боғларини суғориш меъёри

Мевали ўсимлик тури	Суғоришлар сони	Суғориш меъёри, м³/га	
		Тупроқ турлари	
		Бўз тупроқлар	Ер ости сувлари яқин жойлашган қум шағалли тупроқлар
Ёш олхўри боғлари	10-12	500	300
Ҳосилга кирган олхўри боғлари	4-6	800-1000	300-500
Олхўри боғларига қишки яхоб суви бериш	2-3	1500-2000	-

Ҳар галги ва мавсумда бериладиган сув меъёрлари мева дарахтларнинг ёшига, тупроқнинг механик таркибига, сизот сувининг сатҳига, ҳосилнинг кўп-камлигига ва бошқа омилларга қараб белгиланади. Ёш олхўри боғлари учун амалда қўлланиб келган суғориш меъёри гектарига 500 м3/га, ҳосилга кирган боғлар учун суғориш меъёри 800-1000 м3/га чегарасида ўзгариб туради. Шағал тошли, сизот сувлари яқин жойлашган ерларда бу меъёр гектарига 300-500 м3/га гача камайтирилади. Яхоб сувини бериш меъёри гектарига 1200-1500-2000 м³/га.

Томчилатиб суғориш тизими. Экинларни суғоришда илғор усуллардан ҳисобланган томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш борасида Ўзбекистонда кенг

кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Томчилатиб суғориш усули ўзининг юқори самарадорлиги, яъни сув ресурслари чекланганлик шароитида кам сув сарфлаб, барқарор юқори ҳосил олиш имконини бериши билан ажралиб туради. Шу билан бирга, томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган фермер хўжаликлари, ушбу технология жорий қилинган ер майдони бўйича 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилиши юзасидан солиқ кодексига ўзгартиришлар киритилди. Келгусида янгидан ташкил этиладиган боғлар учун ер ажратиш, фақатгина ушбу майдонларда томчилатиб суғориш тизими ҳамда шу каби сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш шарти билан амалга оширилиши белгиланган.

Томчилатиб суғориш тизимининг ўзига хослиги унинг босим остида ишловчи сув тақсимловчи доимий тармоқдан иборатлиги билан белгиланади. Ушбу тармоқ меъёрдаги сувни узлуксиз ва мунтазам равишда экинларнинг илдиз қатламларига етказиб беради. Ер устидан суғоришнинг қарийб барча усулларида суғориш пайтида тупроқда сувга бўкиш ва суғоришдан кейин қуриб кетиш ҳолатлари юз беради. Томчилатиб суғоришда тупроқ эмас, балки мевали дарахт суғорилади! Сув илдиз тизимига тез-тез ва кам-кам берилганлиги сабабли мевали дарахтларнинг илдиз тизими тупроқнинг юза қатламига зич жойлашиб ривожланади (шу сабабли интенсив боғларда бегона ўтларга қарши ўз вақтида доимий курашиш жуда муҳимдир). Суғориш шланглари диаметри 16-25 мм ли полиэтилендан тайёрланади. Боғларда қўлланиладиган шлангларда томчилатгичлар ҳар 50 см масофада жойлашган бўлиши ва соатига 1,6-2 литр сув тушириш имконига эга бўлиши керак. Пакана ва ярим

пакана олхўри боғларида ҳар бир дарахт қатори учун бир ёки икки қатор намлагич шлангларини ўрнатишга тўғри келиши мумкин. Ярим пакана олхўри боғларида икки қаторли шлангларни қўйиш жуда муҳимдир. Боғнинг максимал сув талаби дарахтлар вояга етганда, мевали дарахт турига қараб, ёзнинг иссиқ кунларида талаб этадиган миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. Тошкент вилояти учун олхўри дарахтларига бир кунда гектарига максимал сув талаби 60–70 $м^3$/га тенг бўлиши мумкин.



16-расм. Тупроқ турлари ва тупроқ турига кўра сув турлича тарқалиши

Томчилатиб суғориш афзалликлари

- Томчилатиб суғориш бу – сувни аста-секин айнан ўсимлик илдизи жойлашган ерга етказиб беришдир. Тупроқдаги намликни оптимал даражада ушлаб турар экан, бу суғориш усули сувнинг қуёш ва шамолда буғланиб кетишига ҳам йўл қўймайди.

- Сув кераксиз жойдаги тупроқни, яъни ариқ ораларини ҳам намлантириш учун сарфланмайди ва илдиз атрофида намликнинг энг мақбул даражаси сақлаб қолинади.

Тупроқ тури ва мева тури учун, унинг нави ёки ёшига кўра томчилатгичга, суғоришнинг қанча давом этиши ва сув сарфи белгиланиши керак. Томчилатиб суғориш тупроқнинг барча турларига мос келади. Тупроқ турига кўра сув турлича тарқалади.

- Суғориш пайтида тупроқда ҳаддан зиёд намликнинг ортиши экинни сувга бўктирса, суғоришлар орасидаги вақтнинг узоқлиги оқибатида тупроқ қуриб кетиб, ўсимликни сувсиз қолдиради. Натижада экин яхши ўса олмайди. Томчилатиб суғоришда эса намлик доимий бир хилда сақланиши туфайли ўсимлик бир текис ривожланади.

- Суғоришни автоматлаштириш имконияти мавжуд эканлиги энг кам харажат билан энг катта самарага эришиш имконини беради. Шунингдек, боғнинг чекланган равишда намланиши агротехник тадбирларни суғориш билан бир вақтда олиб бориш ва меҳнатни тўғри ташкил этиш имконини беради. Боғда сувчиларнинг қўл меҳнати кескин камаяди.

- Мутахассисларнинг фикрича, томчилатиб суғоришнинг афзаллиги, энг аввало, сув ресурсларини иқтисод қилишда намоён бўлади. Боғ турига қараб, 40–50 фоизгача сув тежалади.

- Минерал ўғитнинг эритилган ҳолда берилиши эвазига эса унинг самарадорлиги бир неча баробарга ортиб, 50 фоизгача иқтисод қилишга эришилади ҳамда ўсимлик озуқа моддалар билан яхши тўйинади. Экинга сув ва озиқ моддалар унинг эҳтиёжига мос равишда кичик миқдорларда тез-тез берилади. Дарахтларни тупроқдаги элементларни яхши ўзлаштириши ва ўсиши учун кислородга бой муҳит пайдо бўлади.

- Ушбу усулда суғоришнинг асосий фойдаси шундан

иборатки, сув ўсимликнинг фақат илдизига боради. Сув ва ўғитлар бериш тартибини бошқариш ўсимликларнинг ўсишини тезлаштириш ёки секинлаштириш имконини беради.

- Сувнинг ташламага чиқиб кетиши мутлақ тугатилиб, фаол қатлам остига сув ва озуқа элементларини сизиб кетиш миқдори кескин камаяди.

- Тупроқнинг табиий унумдорлигини тиклаш ва ошириш учун суғориш суви билан минерал ўғитлар, микроэлементлар ва кимёвий мелиорантларни дозаланган миқдорда солишга эришилади. Бундан ташқари, илдиз зараркунандаларига қарши кимёвий воситаларни юқори самарада бериш имконияти туғилади.

- Энг муҳими, даладан оқова сувнинг чиқмаслиги боис тупроқ эрозияси бартараф этилади. Ушбу жиҳат нишаблиги катта ва текисланмаган майдонларда ҳам томчилатиб суғоришни қўллаш катта самара беришини кўрсатади. Сувнинг тупроққа сингишининг чекланганлиги ер ости сувлари кўтарилиб кетишига йўл қўймайди.



17-расм. Томизгичлар ҳар бир экинга бир хил миқдорда сув ва ўғитни етказиб беради



18-расм. Тупроқда илдизлар ўсиши учун қулай муҳитнинг пайдо бўлиши

Томчилатиб суғориш тизимини қуриш учун суғориш манбаи, бош иншоот ва ҳовуз – тиндиргич, сув насоси ва сув фильтри, ўғитловчи мослама ва тизимни бошқариш учун автомат қурилма, фильтрларни автомат тозалаши учун бошқарув қурилмаси ва магистрал ва тарқатувчи қувурлар, электр токи доимийлигини таъминловчи қурилма, боғнинг маълум бўлагини суғориш учун кранларни автоматик ёки қўлда очиш маркази, суғориш шланглари, томизгичлар, ёрдамчи ва уловчи қисмлар керак бўлади.

19-расм. Сув насоси ва сув фильтри

20-расм. Ўгитловчи мослама ва суғориш тизимини бошқариш учун автомат қурилма

Томизгичлар 2 турда бўлади. Биринчи тури 1 атмосфера босимидан юқорида ишлаб текис ва боғнинг паст ва баланд жойларига бир хилда сув етказиб беради. Иккинчи тури эса текис жойларда сув етказиб беришда қўлланилади. Биринчи тури боғларда энг кенг фойдаланилади.

Томчилатиб суғориш тизимининг камчиликлари:

- Сотиб олиш ва ўрнатиш харажатлари юқори.
- Мевали дарахтлар илдизлари юқорида жойлашиши сабабли сув узилишлари катта зарар олиб келади.
- Шўрланган ерларда қўллаш чекланган.

21-расм. Томизгичлар

Кўриниб турибдики, томчилатиб суғориш, энг аввало, сувдан оқилона фойдаланишни таъминлайди. Бу тизим нафақат ҳосилдорликни, балки меҳнат унумдорлигини ҳам оширади. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агротехник тадбирларни самарали йўлга қўйишга катта ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, боғдорчиликда суғоришнинг ушбу янги тизимини кенг жорий қилиш мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тараққиётига улкан ҳисса қўшади.

22-расм. Томчилатиб суғориладиган интенсив олхўри боғи

ОЛХЎРИ ДАРАХТЛАРИГА ШАКЛ БЕРИШ ВА КЕСИШ

Олхўри дарахтининг асосий навларида мева тугиш органлари қисқа, мева шохчалари-пихсимон шохчалардан иборат бўлиб, улар икки ва кўп йиллик шохларда жойлашган бўлади. Баъзи бир навларда бир йиллик шохчаларда ҳосил бўлиши кузатилади. Ёш олхўри дарахтининг шох-шаббасига

шакл беришда шохларнинг пастки қисми яланғочланиб қолмаслиги учун шохлар сийраклаштирилади ва қисқартирилади. Шох-шаббаси тик ўсган, кучли шохланадиган навларда биринчи тартибдаги асосий шохлар қисқартирилиб, иккинчи тартибдаги ён шохлар баландлигида кесилади. Бу шох-шаббанинг ёйилиб ўсишига имкон беради.



23-расм. Мева дарахтларни кесиш ва шакл беришда қўлланиладиган асосий терминлар

Шох-шаббаси ёйиқ дарахтлар, агар шохлари суст ўсса, сийраклаштирилади. Шохлар фақат уларнинг ўсишини тартибга солиб туриши учун қисқартирилади. Олхўрининг бўйига тик ўсишини, бошқа мевали дарахтлардаги каби чеклаб туриш зарур. Дарахтлар мева бера бошлагандан кейин шохлар фақат шох-шаббага ёруғлик яхшироқ тегиши учун бутаб турилади. Барча ҳолларда ҳам биринчи навбатда касалланган, қуриб қолган ва бир-бирига тегиб шикастланадиган шохлар олиб ташланади. Узунлиги 50–60 см дан юқори ва эгилиб қолган шохлар қисқартирилади. Шохларнинг ўсуви 15–20 см гача камайганида ёшартириш мақсадида, асосий шохлар икки-

уч йиллик шохигача қисқартирилади.

Олхўри дарахтларига шакл бериш билан дарахтнинг ҳосилга кириш муддатларини ўзгартиради, унинг маҳсулдорлик даврини узайтириш, мустаҳкам, ёритилган шох-шабба тузиш, боғларни парвариш қилишни қулайлаштириш, йилдан-йилга мева беришини тартибга солиш, дарахт ҳосилдорлигини ошириш мумкин ва ҳоказо. Шакл бериш ва кесиш орқали гектарига кўпроқ дарахт жойлаштиришга имкон берадиган ихчам (компакт) шох-шаббалар тузиш, шу билан бир вақтда кесишда, меваларни теришда меҳнат унумдорлигини ошириш мумкин. Ихчам шох-шаббалар боғ ишларини механизациялашга ёрдам беради. Кам шох-шаббаси ва ясси шакллар бирмунча афзаликларга эга, уларда асосий шохлар кам, ўсувчи шохлар эса кўп бўлади. Улар жуда сербарг бўлганда, ҳосил шохлари кўп бўлади. Бу шакллар дарахтларни зичлаштириш ва юқори мева ҳосили олишга имкон беради.

Олхўри тез ўсиб-ривожланувчи мевали дарахт туридир. Унинг кўчатлари пишиш муддатига қараб ўтқазилгандан кейин 3–4 ёки 5–6 йили ҳосилга киради. Ўтқазилгандан кейинги дастлабки 5–6 йилда пастки қисми яланғоч қолмаслиги учун шохларга сийраклаштириб ёки калталаштириб шакл берилади.

Олхўри дарахтига сийраклашган ярусли усулида шакл берилгани маъқул, яъни олхўри кўчати танасининг бўйи 60-80 см узунликда бўлиши керак. Дарахтларнинг нав хусусиятларига кўра, шох-шаббаси 6-8 та асосий шохдан иборат қилиб шаклланади. Асосий шохлар танадан кенг, яъни 45-500 бурчак ҳосил қилиб чиққан бўлиши керак. Ёш олхўрининг новдалари тез ўсади ва ўсиш давринининг охирида бўйи 1-1,5 м га етади.



24-расм. Сийраклашган ярусли усулда шакл бериш

Тез ўсувчи учбурчаксимон шохловчи навлар (Венгерка домашняя, Самаркандский Чернослив ва бошқалар)нинг ёнидан чиққан биринчи қатордаги асосий новдалари қирқилади. Бу шохларнинг кенгайиши ва пасайишига имкон беради.

Тарвақайлаган шохли паст бўйли дарахтларнинг новдалари сийраклаштирилади. Новдалар фақат ўсишини тартибга солиш учун буталади. Олхўри ҳам бошқа мевали дарахт турлари каби асосий танадан ёнга ўсган шохлар шаклангандан сўнг кесилиб бўйига ўсиши чегараланади.

Мевага кирган даврда новдалар ички қисмига яхши ёруғлик тушиши учунгина буталади. Барча ҳолларда биринчи навбатда касал, қуриган, чириган новдалар кесиб ташланади. Бу даврда фақат узун (50–60 см) ва осилган новдалар буталади. Асосий шохлари ўсишдан тўхтагач (15–20 см гача), дарахтни ёшартириш учун 2–3 ёшли шохлари қисқартирилади. Қариоқ дарахтлар янада кўпроқ ёшартирилади. Қулай шароитларда олхўри 20 ёш ва ундан ҳам кўпроқ ёшгача энг юқори ҳосил беради.

Олхўри дарахтига вазасимон усулда шакл бериш. Мевали дарахтларга шакл бериш усулларидан жуда кенг тарқалган тури бу вазасимон усулдир. Бошқача килиб айтганда, 4-5-асосий шохлар танлаб шакл беришдир. Бу усул турли касалликларга чалинадиган дарахт турлари учун ҳам мос келади. Бундай шаклли мевали дарахтларда бир асосий шох касалликка учраса, уни кесиб ташлаб касалликни бартараф қилиш мумкин ва бу дарахтга катта йўқотиш олиб келмайди. Вазасимон шакл беришнинг моҳияти марказий лидер усулида шакл беришдан кўп ҳам фарқ қилмайди.

Асосий шохлар ўзаро яқин жойлашган ҳолатларда, шохлардан ваза шаклини ҳосил қилиш учун улар орасига, талаб қилинган ҳолатларда, ёйиб айрувчи тиргаклар ўрнатиш мумкин. Вазасимон шакл беришда марказий лидер шох кесиб ташланади ва дарахт маркази очиқ колдирилади. Бунда шохлар бир-бирига халақит бермаган ҳолда юқорига йўналтирилади.

25-расм. Вазасимон усулда шакл бериш

Дарахт танасини бир нечта асосий шохларда, лидерсиз,

ривожлантириш орқали дарахт юқори қисмини соябонга айланиб, керакли ёруғлик миқдорини тўсиб қўйишининг олди олинади ва бунда дарахтнинг барча қисмига ёруғлик бир текис етиб боради.

ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Олхўри дарахти зараркунандалари

Баргнинг шира битлари (Choromaphis juglandicola, Callaphis juglandis).

Вояга етганларининг ранги сариқ, узунлиги 1,5-2,0 мм бўлади. Ёнғоқ учун зарарли бўлган ҳар иккала зараркунандаларнинг ҳаёт цикли бир-бирига ўхшаш бўлиб, ривожланиш даврида қанотли ва қанотсиз вояга етган зараркундаларга дуч келиш мумкин. Улар қишни ғумбак ҳолида ўтказишади ва баҳорда уруғлардан чиққан барча зараркунандалар урғочилардан иборат бўлади. Кундалик қуёш нури тушиш вақти, иссиқлик, озиқланиш каби, омиллар таъсирида кузда уруғ қўядиган насл вужудга келиб уруғ қўйишади. Ташқи муҳитга қараб, бир йилда бир неча марта насл беришади. Барглардаги ўсимлик сувидан озиқланишади. Натижада, дарахтнинг ривожланиши секинлашади. Бу меванинг сифати ва ҳосилдорлигига салбий таъсир қилади. Барг битларининг кўпайиши, мева ҳажмининг кичрайишига, ёзда эса мева мағзининг буришиб қолишига олиб келади. Шу билан бирга, ўзидан чиқарадиган ширин модда таъсирида чириш пайдо қилиб, қора доғларни келтириб чиқаради.

26-расм. Барг шира битларининг кўриниши ва зарари

Қарши кураш чоралари. Барг битининг кўплаб табиий душманлари мавжуд. Улар одатда зараркунандаларга таъсир кўрсата оладилар. Зараркунандаларга қарши дори орқали курашиш режалаштирилганда фойдали турларнинг зичлигини ҳисобга олиш керак. Турли таъсир этувчи ёки системик пестицидлардан битларга қарши куришишда фойдаланиш мумкин. Диметоат (0,03%) ёки Монокротофос (0,05%) ёки Малатион (0,1%) каби препаратлари 15 кунлик оралиқ билан сепилиши бит кўпайишини олдини олади. Битнинг турли турларига қарши таркибида замбуруғ бўлган биологик инсектицидларни қўллаш орқали ҳам курашиш мумкин.

Қизил ўргимчак кана (Panonychus ulmi). Қизил ўргимчак кананинг вояга етган урғочилари тўқ қизил рангли, узунлиги 0,8 мм, уруғлари қизғиш, пиёз шаклида, устида қобиғи бўлади. Қишни уруғ ҳолида, дарахт шохлари ва новдачаларида ўтказади. Баҳорда уруғдан чиққан личинкалар янги новдаларга ўтиб, баргларнинг сувини сўриб озиқлана бошлайди. Вояга етганидан сўнг, уруғларини баргларнинг остки қисмига қўйишади. Озиқланиш жойида тўр ҳосил қилмайди. Бир йилда 8-9 мартагача насл қолдиради.

Қарши кураш чоралари. Қишда 25 тадан 100 тагача ўсувчи ёки мевали куртаклар остини текширинг. Агар 10%

дан ортиқ куртакларда қизил кана тухумларини топсангиз гуллашдан аввал минерал мойлар билан ишлов берилади. Агар 10% дан кам бўлса минерал мой билан ишлов бермаса ҳам бўлади. Боғларда чанг кўтарилишини камайтириш ва дарахтларни доимий сув билан таъминлаб туриш каналарни тез кўпайишининг олдини олади. Куртаклар бўртиш вақтида минерал мойлар билан таркибида хлорпирифос, абамектин ёки диазинон бўлган препаратларни аралаштириб ишлов берилади. Вегетация даврида эса ҳар бир баргда 10 тадан 30 тагача тирик қизил кана топилса таркибида абамектин, геситиазокс, спиротетрамат, амитрац, бифентрин ва пропаргит бўлган препаратлар билан ишлов берилади.

27-расм. Қизил ўргимчаккана

Ўргимчак кана (Tetranychus urticae). Вояга етган ўргимчак кананинг ранги яшил ёки, жигарранг яшил бўлади. Уруғлари оч сариқ, ялтироқ ва юмалоқ. Урғочилари қишни дарахт қобиғи остида, ерга тўкилган барг қолдиқлари орасида ўтказади. Баҳор фаслининг март ойидан қишлаган жойидан чиқади. Баргларнинг остки юзасидан ўсимлик озиқасини сўриб, озиқланади ва дарахтнинг заифлашишига олиб

келади. Озиқланадиган жойида зич қилиб тўр тўқийди. Иқлим шароитига қараб, йилига 10-15 марта насл бериши мумкин.

Қарши кураш чоралари. Олманинг зараркунандалари ва касалликларига дарахтни зарарланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тадбирлар қўлланилади. Қиш даврида барча ҳашаротларга қарши (калқондор, кана, куя) дарахтларга «Препарат-30» мойи билан ишлов берилади. Баҳорда личинкаларга қарши инсектицидлар билан яхшилаб ишлов берилади. Ёз даврида эса каналар муаммо бўлганда акарацидлардан фойдаланиш мумкин. Агар фақат ўргимчак ёки қизил кана билан шикастланган бўлса, унда олтингугуртни 1:1 нисбат қилиб, тупроқ (кул) аралашмаси билан 2 маротаба ишлов бериш яхши натижа беради. Ҳар хил касалликларга қарши гуллашдан олдин ва кейин 1% ли бардо суюқлиги билан ишлов берилади. Дарахт танаси 10% оҳак эритмасига 3% ли темир купороси қўшиб оқланади.



28-расм. Ўргимчак канани кўриниши ва зарари

Қалқондорлар. Мевали дарахтларда бинафша тусли ва калифорния қалқондори кўп учрайди. Улар шох, новда ва меваларни сўриб зарар етказади, зарарланган новдалар нобуд бўлади, меваларда доғ ҳосил бўлиб, уларнинг сифати пасаяди. Калифорния қалқондори олма танасига кўплаб тушганда новдалар қинғир–қийшиқ бўлиб ўсади, дарахт танаси ёрилиб кетади.

29-расм. Калифорния қалқондориси

Кураш чоралари: Эрта баҳорда куртаклар уйғонгунга қадар 5 % ли "Препарати № 30" ёки 3 % ли Нитрофен пуркаш тавсия этилади. Шунингдек, томорқалардаги дарахтларга 200 грамм кирсовунни 2 литр сувга эритиб, сўнг 800 грамм солярка ва унга 7 литр сув аралаштирилиб дарахтларга пуркалади.

Олхўри қурти. Олхўри мевасини кўп зарарлайди. Қурт тушган мевалар пишиб улгурмасдан тўкилиб кетади ва истеъмолга ярамайди. Тухумдан чиққан қурт мевани тешиб киради. Кемириб ичкарига кирган жойда елим ҳосил бўлади. Иккинчи авлод берадиган капалаклар олхўри гуллаб бўлгандан 1,5–2 ой кейин учади. Иккинчи авлод қуртлари «Исполинская» каби кечпишар навларни кучли зарарлайди.

30-расм. Олхўри қурти ва зарари

Кураш чоралари. Дарахт илдиз бўғизининг атрофи ва дарахт қатор оралари ағдариб чопилади. Дорилаш дарахт гулдан чиққандан икки ҳафта кейин ўтказилади. Иккинчи маротаба эса биринчи дорилашдан 1,5–2 ой ўтгандан кейин пуркалади. Олма қуртига қарши мўлжалланган препаратлар қўлланилади.

Олхўри касаллиги

Олхўрининг чўтир касаллиги (Plum pox potyvirus, (PPV)). Бу касаллик, данак мевали ўсимликларнинг энг муҳим касаллиги бўлиб, жуда тез тарқалади. Унинг биологик, серологик, молекуляр ва эпидемиологик хусусиятларига кўра бир неча хиллари мавжуд. Барг бити жуда қисқа вақтда шу вирусни юқтириб олади ва соғлом ўсимликка ўша заҳоти юқтиради. Касаллик механик ва пайвандлаш орқали ҳам ўтади. Касаллик белгилари бир қанча данак мевали ўсимликларда асосан барг ва мевада бўлади. Касаллик белгилари баҳорда барг чиқариш вақтида намоён бўлиб, ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан йўқолади.

Олхўри дарахтларида бундай касалликлар кўп учраши билан бирга ҳар бирига турли хил таъсир кўрсатади. Белгилар барглардаги иккиламчи томирлар атрофида тарқалган чизиқ ва доира шаклида бўлади. Аммо, баъзи ҳолларда бу аломатлар дарахтнинг ички қисмидаги баргларда вегетация давомида ҳам йўқолмаслиги мумкин. Мевалардаги белгилар тўқ сариқ ҳалқалар ҳосил қилиб, уруғгача етиб борганда чуқур яра шаклида бўлади. Уруғ устидаги сариқ ёки сомон рангли ҳалқалар билан ўралган қора доғлар шу касалликка хос белгилардандир. Баъзи ўрик навларида фақат меваларда белгилари кўринса, баъзиларида кўпроқ баргларида кўринади.

Касалликка қарши курашиш:

· Сертификатга эга бўлган кўчатларни экиш керак;

· Вирус манбаларини йўқотиш энг самарали чорадир;

· Боғлар атрофида тахминан 1000 м масофада бу касалликни ўзида сақлайдиган ўсимликларни етиштирилмаслик керак. Бу касаллик кўпроқ кўксултон ва бир қанча мевали дарахтларда бўлади;

· Ҳар йили боғдаги дарахтларни бирма-бир кўздан кечириш ва касалланган дарахтларни кесиб ташлаш ва ёқиб юбориш керак;

· Вирус вектори баргхўр ҳашаротлар билан курашиш керак;

· Касалликка қарши чидамли навларни танлаш керак;

· Боғ асбоблари дарахтдан дарахтга ўтаётганда уларни 3% ли натрий гидрохлорид ёки 2% натрий гидроксид+2% формалин эритмаларига ботириб, дезинфекция қилиш керак;

· Касалланган дарахтларга пайванд қилмаслик керак;

· Бу касаллик жуда хавфли бўлгани учун касалликка учраган дарахтларни кўчириб олиб келиш ёки кўчириб бошқа бир боғга ўтқазмаслик керак.

31-расм Олхўрининг чўтир касаллигининг белгилари

Тешикчали доғланиш касаллиги (Wilsonomyces carpophylus (Lev.) Adaskaveg, Ogawa&Butler)

Касаллик белгилари. Бактериал касаллик турларидан бири. Касаллик олхўри дарахтининг баргларида, куртакларда ва ёш новдаларда белгиларини намоён қилади. Баргдаги доғлар дастлаб диаметри 1 мм, думалоқ, ёғли доғлар кўринишида ва вақт ўтиши билан қирралари қизариб, ўрта қисмлари эса тўқ жигар рангга айланиши мумкин. Ушбу доғлар кейинчалик тўкилади ва тешикчалар ҳосил бўлади. Баъзан ёнма-ён доғлар бирлашиб, тўкилади ва диаметри 1 см бўлган тешиклар пайдо бўлади. Баргларда шу белгилар пайдо бўлгандан 5-10 кун ўтгач тўкила бошлайди. Мева устидаги доғлар диаметри 1-2 мм, юмалоқ шаклда бўлади. Бироқ, баъзида доғлар бирлашиб, айлана шаклда мева юзасини қоплайди. Доғларнинг ўртаси қора, атрофи эса оч қизғиш рангда бўлади. Вақт ўтиши билан ўртаси кулранг, атрофи тўқ қизил, тўқ жигар ранг ёки қора рангга айланади. Мева доғларининг ўрта қисми чўкади. Шунингдек, куртакларга ҳам зарар етказади. Касалланган куртакларни соғломларидан ажратиш мумкин. Бироқ, бу куртакларга тегилганда тушиб кетмайди. Бошқа сабабларга кўра қуриб қолган куртаклар озроқ тегиниш билан тушади. Касаллик куртакларда думалоқ, жигар ранг қизил рангли доғлар ҳосил қилади. Ёш новдаларда ҳосил бўлган доғлар қисқа вақт оралиғида занггa айланади.

Касалликнинг олдини олиш

Кузда касалланган куртаклар ва шохлар буташ орқали боғдан олиб чиқиб ташланади ва ёқиб юборилади. Суғориш, ўғитлаш, ер ҳайдаш, буташ ва бошқа агротехник тадбирлар дарахтнинг бақувват бўлиб ривожланадиган даражада амалга оширилиши керак.

Кимёвий кураш

Кимёвий препаратларни қўллаш муддатлари:

1. Дорилаш: Кузда барглар тўкилганидан сўнг.

2. Дорилаш: Баҳорда куртаклар ўйғонишидан олдин (куртаклар пушти тусга кирганда).

3. Дорилаш: Кўчатларда пайванд қилинган баргларнинг тушиши билан.

4. Дорилаш: Иқлим шартларга кўра намгарчилик юқори бўлган мавсумларда амалга оширилади.

Цитоспороз касаллиги (Cytospora cincta (Sacc.))

Касаллик белгилари. Касаллик белгилари, тана, марказий шох ва ён новдаларда қуриш; жуда ингичка новдаларда бўлса, қуриш ва ўзгармай қолиш каби белгилар билан намоён бўлади. Зарарланган жой чуқур жигар ранг тусда бўлиб қолади. Елим оқиши кузатилиб қурий бошлайди. Баҳорда дарахтлардан бир-бирига ўтиши мумкин. Бу бактериал куйиш касаллигига олиб келади. Аммо буларнинг кўпчилиги вегетация даврида йўқолиб кетиши мумкин. Куз ва қиш ойларида пайдо бўлганлари аста-секин тарқалса-да, шохларнинг қуришига олиб келади. Агар касаллик баҳор ва ёзда новдаларни ёки дарахт танасини тўлиқ ўраб олса, инфекция тушган жой бутунлай сўлиб қурийди. Агар зарарланган қисми катталашиб кетмасдан кесиб ташланса, кесилган жойда жигар ранг чизиқлар кўринади. Касалланган қисм билан соғлом новда орасида қизғиш жигар ранг чизиқ кўриниб туради. Касаллик таъсири баҳор ва куз буташ ишлари, қишдаги совуқдан пайдо бўлган ёриқлар ва кузда тўкилган барг бўғинларидан ва мева ҳосил бўлган жойлардан кириб боради. Ёмғир, ҳашарот, боғ асбоблари воситасида тарқалиб янги касалликларга сабаб бўлади. Касаллик кўплаб мевали шохларни қуритиб, ҳосилда катта йўқотишларни олиб келади.

Кураш усуллари

Касалликни олдини олиш чоралари:

· Зарарланган шохларни соғлом шохларга зарар бермайдиган даражада кесиш керак. Кесилган юзаларга боғ малҳами билан ишлов берилиши керак.

· Боғ асбоблари касалланган қисмлар кесилгандан кейин 10% ли натрий гидрохлорид эритмасига ботирилиши керак, сўнгра соғлом дарахтларни кесиш мумкин.

· Бошқа касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашиш керак.

· Тупроққа ишлов бериш ва мева ҳосили йиғим-терим вақтида дарахтлар зарарланмаслиги керак.

· Боғ ташкил этиладиган майдон яхши дренажга эга бўлиши ва азотли ўғитлар меъёрида берилиши керак.

· Мавсум сўнгида кечки суғориш амалга оширилмаслиги керак.

Кимёвий кураш чоралари

Бу касалликка қарши самарали таъсир этадиган бирор бир кимёвий препаратдан фойдаланиш зарур.

32-расм. Цитоспороз касаллигининг белгилари

ОЛХЎРИ МЕВАСИНИ ТЕРИБ ОЛИШ ВА САҚЛАШ

Меваларни йиғиб-териб олиш муддати уларнинг тури ва нав хусусиятларига, маҳсулотга қўйиладиган талабга ва улар қандай мақсадларда фойдаланилишига қараб белгиланади.

Меваларнинг осон узилиши, рангининг сарғайиши, меванинг йириклашиши ва мева пўстининг юмшаб сувли бўлиши билан маълум бўлади. Пишиш жараёнида мевадаги қуруқ моддалар миқдори ортиб бориши билан кислота миқдори камаяди. Қуритилган меваларда қуруқ модда миқдорининг 23-25% ва мева пўстининг қаттиқлиги 0,52-2,91 кг/см^2 даражада бўлиши мевани териш учун жуда қулай давр ҳисобланади. Олхўри меваларини муддатидан олдин териб олиш учун пўстининг 3/4 қисми тўқ сариқ рангда, мева этининг 1/2 қисми сариқ рангга айланган бўлиши керак. Хўраки ва қайта ишлаш учун мўлжалланган олхўрилар чала пишган, қуритиладиган олхўрилар тўлиқ пишган, ички бозорга сотиладиганлар бўлса ўртача даражада пишган бўлиши керак. Темир йўл орқали жўнатиладиган олхўри ранг ола бошлаганда ва уларнинг катталиги маълум даражага етганда, қайта ишлаш ва янгилигича истеъмол қилинадиган навлар тўлиқ пишганидан кейин терилади.

Олхўри мевалари асосан июнь-сентябрь ойлари давомида пишиб етилади. Турли навлар турлича пишиш муддатига эга. Узоқ муддат пишиб турадиган олхўри навлари уч мартадан беш мартагача териб олинади. Шунинг учун мевалар юлиб олинмасдан, банди билан узиб олинади.

33-расм. Олхўри мевасини жойлаш

Узоқ жойларга жўнатиладиган ёзги ва кузги навлар жуда пишиб етилмасидан (техник етилганда) териб олинади. Қуритиш, қайта ишлаш ва янгилигида истеъмол қилиш учун мўлжалланган мевалар истеъмол қилиш учун яроқли бўлиб, пишган даврда, яъни меванинг таъми, ранги шу навга хос бўлган вақтда териб олинади.

Олхўри ҳосилини териб олиш услуллари. Олхўри ҳосилини теришнинг энг қулай усули бу қўл билан теришдир. Чунки, қўл билан терилганда мевалар зарарланмайди, ифлосланмайди ва ёрилишининг олди олинади.

Ўрикни силкитиб ёки қоқиб йиғиб олиш кенг тарқалган. Бу икки усулда ҳам меваларнинг ерга тушиб ифлосланмаслиги учун дарахт остига бўз ёки салафан тўшалади. Акс ҳолда, тупроқ устига тушган ўриклар эзилиб ёрилиб кетади. Ерга тушган меваларнинг ичига тупроқ ва тош бўлаклари кириб қолади. Бу нарса мева сифатини пасайтириб, қуритиш ва сотиш учун муаммоларга сабаб бўлади.

Қоқиш усули билан мева йиғимида, таёқлар билан дарахт шохларига урилади. Натижада келаси йил мева берадиган новдалар ва куртаклар зарарланади. Шохларнинг таёқ билан урилиши, шохларда пайдо бўлган ёриқларда касаллик ва зараркунандаларнинг кириб олишига мос шароит яратади.

Шунинг учун қўл билан теришнинг иложи бўмаган вақтдагина, силкитиш ва қоқиш усулидан фойдаланган маъқул.

Қуритиладиган олхўрилар дарахтда тўлиқ пишгунча туриши керак. Фақат меваларнинг ҳаддан ташқари юмшаб кетмаслигига эътибор қаратиш керак. Ҳаддан ташқари пишган олхўриларда олтингугуртлаш пайтида шира оқади ва олтингугуртни сингдириши қийинлашиб ранги қораяди. 4 кг тўлиқ пишмаган олхўридан 1 кг қуритилган қоқи олинса, пишган олхўрининг 3-3,5 килограмдан 1 кг қуритилган қоқи олинади.

Олхўри йиғиб олиш эрта тонгда ёки кечки, салқин вақтда амалга оширилиши керак. Ушбу соатларда мевани новдасидан узиб олиш осон бўлади. Бундан ташқари, суғориш теримдан бир ҳафта олдин амалга оширилиши керак. Ҳосил йиғилишидан олдинроқ амалга оширилган суғориш, шохларнинг бўшашига мевадаги сув миқдорининг ортиб, шакар миқдорининг камайишига олиб келади. Бир томондан, йиғимга яқин суғориш, ҳосил йиғиш пайтида меваларни лой бўлишига олиб келади. Меваларнинг етилиш даврида сахароза билан моносахаридларнинг нисбати ўзгариб туради: сақлаш даврида фруктоза миқдори ошади, глюкоза ва сахароза миқдори камаяди. Мевалар пишиб ўтиб кетса, уларнинг нафас олиши ҳисобига шакар миқдори камайиб кетади. Меваларни сақлаш вақтида улар таркибидаги кислоталар шакарга нисбатан тез парчаланади, шу сабабли шакар ва кислоталарнинг нисбати ўзгаради. Сақлаш даврининг охирига бориб, мевалар ширин, сўнгра кислоталарни йўқотиши натижасида бемаза бўлиб қолади.

Агар олхўри мевалари сақланадиган хоналарда намлик жуда юқори бўлса, мевалар чирий бошлаши мумкин ва уларни

мунтазам равишда текшириш керак бўлади. Аммо ҳаддан ташқари қуруқ ҳаво ҳам меваларга салбий таъсир қилади, улар қурий бошлайди. Олхўри сақлаш учун энг мақбул намлик 80-90% ни ташкил қилади.

34-расм. Олхўри мевасини сақлаш

Агар мевалар музлатгичларда сақланса, дастлабки 2-3 ҳафта давомида ҳарорат 0 °С атрофида бўлиши ва кейин 5-6 °С гача кўтарилиши мумкин, чунки олхўри узоқ вақт 0 °С да сақланса у қорайиб қолади. Музлатиш учун пишган мевалар ювилади, матолар устида қуритилади, 1 кглик полиэтилен пакетларга қадоқланади ва музлатгичларга қўйилади. Ушбу шаклда мевалар сиз хоҳлаган вақт давомида сақланиши мумкин, аммо музлаш жараёнида улар жуда нордон бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ПҚ-4246-сон Қарори. – Тошкент, 2019 йил 20 март.

2. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. ПФ-5388-сон Фармони. – Тошкент, 2018 йил 29 март.

3. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжаллаган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ПҚ-4575-сон Қарори. – Тошкент, 2020 йил 28 январь.

4. Туркия Республикаси Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда “Денизбанк” ҳамкорлигида тайёрланган “100 та китобдан” иборат тўплами.

5. Бўриев Х. Ч., Байметов К.И., Абдиқаюмов З.А. Мева экинлари селекцияси ва навшунослигидан амалий машғулотлар. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – б. 66-72.

6. Останақулов Т.Э., Исламов С.Я., Хонқулов Х.Х., Санаев С.Т., Холмирзаев Д.К. “Мевачилик ва сабзавотчилик”. С., 2011. – б. 232-250.

7. Останақулов Т.Э., Нарзиева С., Ғуломов Б.Х. “Мевачилик асослари”. С., 2011. –б. 152-155.

8. Ражаметов Ш., Нормуратов И., Адилов Х., Жанакова Д. Мева, резавор мева ва ток кўчатзорларини ташкил этиш.

Тошкент: “Baktria press”, 2018. – б. 11-80.

9. Рибаков А.А., Остроухова С.А. Ўзбекистон мевачилиги. Т., «Ўқитувчи», 1981.– б. 4-100.

10. Хасанов Б.А., Очилов Р.О., Холмуродов Э.А., Гулмуродов Р.А. Мевали ва ёнғоқ мевали дарахтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш. – Тошкент-2010. – б. 182-205.

11. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат Реестри. Тошкент 2019.

Интернет сайтлар:

1. www.gov.uz.
2. www.lex.uz.
3. http://www.asprus.ru

42.356
О 52
Олхўри етиштириш [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 64 б.

ISBN 978-9943-7171-0-7

УЎК 634.222
КБК 42.356

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси
“Агробанк” АТБ

100 китоб тўплами

ОЛХЎРИ ЕТИШТИРИШ

54-китоб

Нашриёт уйи “Тасвир”
Тошкент – 2021

Таржимонлар:
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржима ва тил маркази” таржимонлар гуруҳи

Муҳаррир-мусаҳҳиҳ:
М. Юсупова

Компьютерда тайёрловчилар:
З.Б. Хошимов, Н.С. Сайидаҳмадов

Дизайнер:
А.Х. Комилов

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021
Босишга 16.04.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 830 нусха. Буюртма рақами: 1112

“Colorpack” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1А.